

**ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА АЙБ ЭЪЛОН ҚИЛИШНИНГ  
ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ****Хасанов Бекзод Хасанович***Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни  
муҳофаза қилиш академияси магистранти*

**АННОТАЦИЯ:** *Мазкур мақолада ишни судга қадар юритиш босқичида айб эълон қилиш ва айбланувчини сўроқ қилиш институтининг ўзаро боғлиқлиги илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Айбланувчининг айбловга нисбатан муносабат билдириш ҳуқуқи, уни сўроқ қилиш орқали таъминланишининг процессуал аҳамияти очиб берилган. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси нормаларида мавжуд айрим бўшлиқ ва зиддиятлар кўрсатилиб, уларни бартараф этишга қаратилган аниқ қонунчилик таклифлари илгари сурилган. Шунингдек, айб эълон қилиш жараёнида ҳимоя ҳуқуқини кучайтириш, айбланувчини зудлик билан сўроқ қилиш ва сиртдан айб эълон қилиш масалалари хорижий давлатлар тажрибаси билан қиёсий таҳлил қилинган.*

**Калит сўзлар:** *айб эълон қилиш, айбланувчи, сўроқ қилиш, ҳимоя ҳуқуқи, ишни судга қадар юритиш, жиноят-процессуал қонунчилик.*

Жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ишни судга қадар юритиш босқичида алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, шахсга айб эълон қилиниши ва унинг айбловга нисбатан муносабат билдириш имконияти жиноят судловининг адолатли, холис ва қонуний амалга оширилишини белгилайдиган асосий кафолатлардан бири ҳисобланади.

Айб эълон қилиш орқали шахс жиноят ишида айбланувчи сифатида иштирок эта бошлайди ва айнан шу пайтдан эътиборан унинг ҳимоя ҳуқуқи тўлиқ ҳажмда амал қилади. Бу ҳуқуқнинг асосий кўринишларидан бири эса айбловга нисбатан ўз муносабатини билдириш, яъни айбланувчини сўроқ қилиш орқали амалга оширилади.

Шунингдек, ишни судга қадар юритиш босқичида айб эълон қилиш институти жиноят процессида шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи ҳал қилувчи босқич ҳисобланади. Ушбу институтнинг самарали амал қилиши нафақат айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлайди, балки бутун жиноят судловининг адолатли ва қонуний юритилишига хизмат қилади.

Жиноят процессига оид илмий адабиётларда ишни судга қадар юритиш босқичида айб эълон қилишнинг процессуал тартиби масаласи доимий равишда муҳокама қилиниб келинмоқда. Бу ҳолат мазкур институтнинг қонунийлик, тортишувчанлик принципларини таъминлаш ҳамда ҳимоя ҳуқуқини кафолатлашдаги муҳим аҳамияти билан изоҳланади. Ушбу диссертация доирасида мазкур институтга оид доктринал

ёндашувларни шакллантиришга салмоқли ҳисса қўшган айрим олимлар фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хусусан, А.В. Смирнов ва К.Б. Калиновский айб эълон қилишни, аввало, айбланувчининг процессуал мақомини мустақкамловчи ва унга ўз процессуал ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш имконини берадиган расмий процессуал ҳаракат сифатида баҳолайдилар.<sup>11</sup> Уларнинг фикрича, амалдаги ҳуқуқий тартибга солиш умуман олганда ҳуқуқий аниқлик талабларига жавоб беради, мавжуд муаммолар эса асосан норматив камчиликлар эмас, балки ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ.

Ушбу фикр-мулоҳазаларга қисман қўшилган ҳолда бизнинг фикрича, айб эълон қилиш билан боғлиқ муаммоларни фақат ҳуқуқни қўллаш соҳасига тааллуқли деб баҳолаш илмий таҳлил доирасини асоссиз равишда чеклайди. Айбни судга қадар иш юритиш босқичида эълон қилишнинг норматив моделида айбланувчи мақомини олиш вақти ҳамда ушбу босқичда унга бериладиган процессуал кафолатлар ҳажми билан боғлиқ ички зиддиятлар мавжуд. Мазкур зиддиятлар тергов амалиётида турли ёндашувларни келтириб чиқаради ва уларни фақат процессуал қонунчиликни такомиллаштириш орқали бартараф этиш мумкин.

Бошқа бир ёндашув Л.В. Головки томонидан илгари сурилган бўлиб, у айб эълон қилиш институтига нисбатан янада мослашувчан ёндашувни қўллаш зарурлигини таъкидлайди.<sup>12</sup> Муаллифнинг фикрича, ишнинг мураккаблиги ва далиллар ҳажмига қараб процессуал шаклларнинг турлича бўлишига йўл қўйилиши мумкин, ортиқча формаллаштириш эса дастлабки тергов самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимолдан холи эмас.

Айб эълон қилишда ортиқча формализмга йўл қўймаслик лозимлиги ҳақидаги фикрга қўшилган ҳолда, биз процессуал шаклнинг мослашувчанлиги шахс ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини заифлаштириш ҳисобига таъминланмаслиги керак, деб ҳисоблаймиз. Тергов ва суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, айнан айб эълон қилиш босқичида ҳимоя ҳуқуқи бузилиш хавфи энг юқори бўлади. Бу эса суд қарорларининг судга қадар босқичда йўл қўйилган процессуал қоидабузарликлар асосида бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши статистикаси билан ҳам тасдиқланади.<sup>13</sup> Шу сабабли, айб эълон қилишнинг процессуал тартибини такомиллаштириш уни соддалаштиришга эмас, балки унинг аниқлиги ва ички мантиқий мувофиқлигини таъминлашга қаратилмоғи лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки И.Л. Труновнинг фикрлари эътиборга лойиқ бўлиб, у айб эълон қилиш чоғида терговчининг ҳаракатлари устидан суд назоратини кучайтириш, шу жумладан айб мазмунини тезкор тарзда шикоят қилиш имкониятини

<sup>11</sup> Смирнов А.В., Калиновский К.Б. **Уголовный процесс** : учебник для вузов. — М. : Норма, 2020. — 784 с.

<sup>12</sup> Головки Л.В. **Курс уголовного процесса** : учебное пособие. — М. : Статут, 2019. — 640 с.

<sup>13</sup> **Судебная практика Верховного Суда Российской Федерации по уголовным делам за 2018–2022 годы** : сборник материалов. — М. : Верховный Суд РФ, 2023.

яраташ зарурлигини таъкидлайди.<sup>14</sup> Биз ушбу ёндашувни қўллаб-қувватлаймиз, чунки судга қадар текширув босқичда суд назоратининг кенгайтирилиши процессуал қоидабузарликларнинг олдини олиш ҳамда айблов фаолияти сифатини оширишнинг самарали механизми бўлиши мумкин.

Бизнинг фикримизча ишни судга қадар юритиш босқичида айб эълон қилишнинг процессуал тартибини такомиллаштириш комплекс ёндашувни талаб қилади, деган хулосага келиш мумкин. Бундай ёндашув айб эълон қилиш тартибини норматив жиҳатдан аниқлаштириш, айбланувчининг ҳуқуқларини кафолатлашни кучайтириш ва суд назорати механизмларини ривожлантиришни ўзаро уйғун ҳолда амалга оширишни назарда тутди. Айнан шу йўл билан жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг юқори даражасига эришиш мумкин.

Бундан ташқари ушбу босқични такомиллаштиришда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш назарий ва амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

1. Англо-саксон ҳуқуқ тизимида айб эълон қилиш институти. Англо-саксон (common law) ҳуқуқ тизимида айб эълон қилиш (“charging”, “arraignment”, “laying charges”) жиноят процессида марказий ўрин тутди. Англия ва Уэльс<sup>15</sup>, АҚШ ва Канада жиноят-процессуал амалиётида айб, асосан, суд босқичида расман эълон қилинади ва суд жараёнининг йўналишини белгилаб беради.

АҚШ жиноят процессида<sup>16</sup> айб эълон қилиш Федерал жиноят-процессуал қоидалар билан тартибга солинган бўлиб, у айбловчи ва айбланувчи ўртасидаги тортишувнинг бошланиш нуқтаси ҳисобланади. Бу тизимда суд ҳақиқатни аниқлашдан кўра, тақдим этилган далилларнинг ишончилиги ва “шубҳадан ташқари” исботланганлигини баҳолайди. Айблов indictment (grand jury орқали) ёки information шаклида қўйилиши мумкин.

Англия ва Уэльсда эса айб эълон қилиш полиция ёки Crown Prosecution Service (CPS) томонидан амалга оширилади. Айб қўйишдан олдин далиллар “reasonable grounds to suspect” ва “realistic prospect of conviction” мезонлари асосида баҳоланади. Расмий айб қўйилгандан сўнг, айбланувчи судга чақирилиб, унга айб ўқиб эшиттирилади ва у айбни тан олиш ёки рад этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Канадада айб эълон қилишда полиция томонидан тайёрланган “Information” ҳужжати асосий аҳамиятга эга бўлиб, суддаги дастлабки ҳозир бўлишда айблов мазмуни расман маълум қилинади.

2. МДХ мамлакатларида айб эълон қилишнинг ўзига хос жиҳатлари. МДХ давлатларида айб эълон қилиш, асосан, дастлабки терговнинг таркибий қисми сифатида амалга оширилади. Айрим мамлакатларда, хусусан Украина, Россия

<sup>14</sup> Трунов И.Л. Судебный контроль в уголовном процессе Российской Федерации : монография. - М. : Юрайт, 2021. — 312 с.

<sup>15</sup> Crown Prosecution Service. **The Code for Crown Prosecutors.**- London, 2022.

<sup>16</sup> Federal Rules of Criminal Procedure (USA). - Washington, 2023.

Федерацияси<sup>17</sup>, Беларусь, Қозоғистон ва Арманистон қонунчилигида айбланувчи сифатида жалб қилиш тўғрисидаги қарор мазмунига қўйиладиган талаблар нисбатан батафсил тартибга солинган.

Масалан, Украина ЖПКда гумон ҳақида хабарнома мазмунига жиноят иши рақамини кўрсатиш талаби белгиланган. Бу эса процессуал қарорларни индивидуаллаштириш ва жиноят ишида аниқ тартиб ўрнатишга хизмат қилади. Россия Федерацияси ЖПКда<sup>18</sup> эса қарорни тузган мансабдор шахс ҳақида аниқ маълумотлар кўрсатилиши талаб этилади.

Беларус Республикаси ЖПКда<sup>19</sup> айбланувчига, аввало, унинг ҳуқуқлари тушунтирилиб, бу ҳақда алоҳида баённома тузилади, шундан сўнг айб эълон қилинади. Бу тартиб айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини ўз вақтида амалга оширишга хизмат қилади.

Прокурор назорати ва айб эълон қилиш. Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, айбланувчи сифатида жалб қилиш тўғрисидаги қарор нусхасини белгиланган муддатларда прокурорга юбориш айбловнинг қонунийлиги ва асослилигини таъминлашда муҳим қафолат ҳисобланади. Масалан, Арманистон ва Қозоғистон ЖПКларида бундай қарор нусхасини 24 соат ичида прокурорга юбориш мажбурияти белгиланган.

Бу тартиб прокурорга қонун бузилишларига ўз вақтида муносабат билдириш имконини беради ҳамда тергов органлари фаолияти устидан самарали назоратни таъминлайди.

Айб эълон қилишдан сўнг айбланувчини сўроқ қилиш масаласи. МДХ мамлакатларида, одатда, айб эълон қилинганидан сўнг айбланувчини дарҳол сўроқ қилиш талаби мавжуд. Бироқ, айрим олимлар ва амалиётчилар фикрича, бу талаб айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини чеклаши мумкин. Айниқса, айблов ҳажми катта бўлган, мураккаб иқтисодий ёки махсус билим талаб этувчи жиноятлар бўйича айбланувчига айблов мазмунини англаб олиш учун етарли вақт бериш мақсадга мувофиқдир.

Шу сабабли, хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, айбланувчига янгиланган ёки қўшимча айблов бўйича кўрсатув бериш учун мақбул муддат белгилаш зарур.

Айбланувчини сўроқ қилишнинг процессуал моҳияти ва аҳамияти. Айбланувчини сўроқ қилиш жиноятни фош этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий тергов ҳаракатларидан биридир. Тергов амалиёти шуни кўрсатадики, деярли ҳар бир жиноят ишида айбланувчини сўроқ қилиш амалга оширилади. Бунинг сабаби шундаки, жиноят излари нафақат моддий оламда, балки инсон онгида ҳам акс этади ва айнан кўрсатувлар орқали улар аниқланади.

<sup>17</sup> Верховный Суд Российской Федерации. Обзор судебной практики по уголовным делам за 2018–2022 гг. - М., 2023.

<sup>18</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации : по состоянию на 2024 г. - М. : Проспект, 2024.

<sup>19</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь : по состоянию на 2023 г. - Минск, 2023.

Сўроқ қилиш – бу тергов ҳаракати бўлиб, у орқали терговчи ёки суд иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисида маълумот олиш, шунингдек, сўроқ қилинувчининг шахсий муносабатини аниқлаш имкониятига эга бўлади. Бир вақтнинг ўзида, сўроқ қилинувчи шахс ҳам иш бўйича ўз нуқтаи назарини баён этиш, ҳимояланиш позициясини шакллантириш ва уни расман қайд эттириш ҳуқуқига эга бўлади.

Айбланувчини сўроқ қилишнинг иккиёқлама табиати илмий адабиётларда кенг эътироф этилган. У, бир томондан, ҳақиқатни аниқлаш воситаси бўлса, иккинчи томондан, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини амалга ошириш шакли ҳисобланади.

Сўроқ қилиш ва унга ўхшаш ҳаракатларнинг фарқланиши. Сўроқ қилиш тергов ҳаракати мазмун ва ҳуқуқий аҳамияти жиҳатидан тушунтириш талаб қилиш, оғзаки аризаларни қабул қилиш ёки фуқароларни суриштириш каби ҳаракатлардан фарқ қилади. Ушбу ҳаракатларда олинган маълумотлар процессуал тартибда мустаҳкамланмаганлиги сабабли далил сифатида эътироф этилмайди.

Фуқароларни суриштириш эса тезкор-қидирув чораси бўлиб, у процессуал ҳаракат ҳисобланмайди. Шу боис, у орқали олинган маълумотлар ҳам мустақил далил сифатида ишлатилиши мумкин эмас.

Айб эълон қилинганидан кейин айбланувчини зудлик билан сўроқ қилиш масала си. Амалиётда айб эълон қилинганидан сўнг айбланувчи, одатда, дарҳол сўроқ қилинади. Бироқ, амалдаги Жиноят-процессуал кодексида айб эълон қилиш айбланувчини зудлик билан сўроқ қилишни тақозо этадиган асос сифатида аниқ кўрсатилмаган.

Бу ҳолат айрим ҳолларда сўроқ қилишни асосиз равишда кейинга қолдиришга, натижада айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи чекланишига олиб келиши мумкин. Айб эълон қилинганидан кейин айбланувчига зудлик билан кўрсатув бериш имкониятини таъминлаш унинг айб эълон қилинганлигидан хабардор эканлигини тасдиқловчи муҳим кафолат ҳам ҳисобланади.

Шу муносабат билан, ЖПКнинг 110-моддасига айб эълон қилишни айбланувчини дарҳол ёки кўпи билан 24 соат ичида сўроқ қилишни тақозо этадиган ҳолат сифатида киритиш мақсадга мувофиқдир.

Айб эълон қилиш жараёнида ҳимоя ҳуқуқини кучайтириш. Ҳимоя ҳуқуқи айбланувчи ҳуқуқлари тизимида марказий ўрин тутаяди. Унинг муҳим таркибий қисми айблов мазмуни ҳақида тўлиқ ва ишончли маълумотга эга бўлиш ҳуқуқидир. Айб эълон қилинганда айбланувчи айбловни ўз ичига олган қарор нусхасини олиш имкониятига эга бўлиши шарт.

Амалдаги ЖПКнинг 111-моддаси иккинчи қисми 4-бандидаги “тақдим қилади” ибораси амалиётда турлича талқин қилинмоқда.<sup>20</sup> Бу эса айбланувчи ва ҳимоячининг ҳуқуқий ноаниқликка дуч келишига сабаб бўлмоқда.

<sup>20</sup> O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat-protsessual kodeksi. <https://lex.uz/mact/-111460>

Шу боис, қонунчиликда айб эълон қилинганда айбланувчи ва унинг ҳимоячисига айбланувчи тариқасида жалб қилиш тўғрисидаги қарорнинг тасдиқланган нусхасини мажбурий равишда беришни назарда тутувчи аниқ норма жорий этиш зарур.

Айб эълон қилишда бошқа иштироқчиларнинг иштироқи масаласи. Айб эълон қилиш – бу фақат формал процессуал ҳаракат эмас, балки айбловнинг асослилигини амалда кўрсатиб берувчи муҳим босқичдир. Шу нуқтаи назардан, айрим ҳолларда жабрланувчи ёки айбланувчига қарши кўрсатув берган гувоҳларнинг айб эълон қилиш жараёнида иштироқ этиши айбловни янада асослашга хизмат қилиши мумкин.

Хорижий тажриба, хусусан Германия ва Франция жиноят процессида жабрланувчининг фаол иштироқи айбловнинг шаффофлиги ва асослилигини таъминлашда ижобий натижалар берганлигини кўрсатади. Албатта, бундай иштироқ чекланган ва прокурор ёки терговчининг рухсати билан амалга оширилиши лозим.

Сиртдан айб эълон қилишнинг ҳукуқий асослари. Айбланувчи тергов органларидан қасддан яширинган ҳолларда айб эълон қилиш масаласи ҳам алоҳида тартибга солиниши лозим. Қозоғистон ва Россия Федерацияси жиноят-процессуал қонунчилигида сиртдан айб эълон қилиш бўйича аниқ қоидалар мавжуд.

Ушбу тажриба Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам айбланувчининг хабардорлик ҳуқуқини таъминлаган ҳолда, айб эълон қилишнинг муқобил тартибларини жорий этиш зарурлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда ишни судга қадар юритишда айб эълон қилиш ва айбланувчини сўроқ қилиш институтлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Айб эълон қилишни мустақил процессуал ҳаракат сифатида қонунчиликда аниқ тартибга солиш, айбланувчини зудлик билан сўроқ қилиш кафолатларини кучайтириш, айблов қарорининг нусхасини мажбурий тақдим этиш ва сиртдан айб эълон қилиш тартибини жорий этиш жиноят процессида қонунийлик, тортишув ва тарафлар тенглигини таъминлашга хизмат қилади.